
ЙЎҚЛОВ

Рамазон ойининг дастлабки кунида туманимиздаги “Ўйрат” маҳалласидаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар холидан хабар олинди.

-Инсонларни қадрлаш, уларни холидан хабар олиш халқимизга хос фазилатдир, - дейди “Ўйрат” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Фаррух Тошматов. -Табдиркорларимиз билан ҳамкорликда маҳалламизда истиқомат қилаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар холидан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бердик. Эътибор қаратилаётганидан оила вакиллари мамнун бўлишди.

Албатта, туманимиздаги маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгиллар шод.

Бу ойда меҳр-оқибат, аҳиллик, биродарлик, бағрикенглик туйғулари янада мустаҳкамланади, ер юзига баракот ёғилади. Аллоҳ таолонинг синовиди матонат кўрсатаётган муҳтожлар, кўнгли яримларга меҳр-мурувват кўрсатилади, беморлар, нуроний отахон-онахонлар зиёрат қилинади, аразлашганлар ярашади.

2022-04-05 14:23:17